



Ислом Нури

Хурматли ота оналар, пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам айтадиларки:

Расулуллох саллалоху алайхи ва саллам даъватларини эшитиб, ижобат килган

умматларининг юз, кўл ва оёқлари, тахорат асоратидан Киёмат кунида ялтираб

туради. Бу ялтираб туришга араб тилида гуррун ва мухажжал дейилади.

Мухаммадсаллалоху алайхи ва саллам умматлари киёмат кунида мана шу гурра ва

мухажжаллари туфайли бошка умматлардан ажралиб турганлари учун хам, эй гурлар,

эй мухажжаллар, деган шараф билан чакириладилар.

Азизлар, Аллох таоло бу

умматни хисобсиз неъматлар билан азиз килган. Шу неъматлардан бири гурра ва

мухажжалдир. Келинг, тахоратга кўпрок махаббат кўяйлик.

1. Савол:

Болажоним, огиз ва бурунни чайиб бўлгач нима килади?

Жавоб: Уч марта икки

кўлига сув олиб юзини яхшилаб ювади.

2. Савол: Кейин нима килади?

Жавоб: Кўлларини тирсаклари билан бирга уч марта чиройли килиб ювади.



Ислом Нури

3.

Савол: Болажоним, кайси томондан бошлаб ювади?

Жавоб: Барча аъзоларни ювишда ўнг томондан бошлаб ювади.

4. Савол: Кейин нима килади?

Жавоб:
Кўлини хўл килиб, бошининг хаммасига ва кулокларига бир марта масх тортади.

5. Савол: Кейин нима килади?

Жавоб: Оёқларини тўпиклари билан бирга уч марта яхшилаб ювади.

6. Савол: Оёғидаги бармоқлар орасини хам хилол киладими?

Жавоб: Ха дадажон, энг кичкина бармоғи билан оёғидаги бармоқлари орасини хилол килади.

7. Савол: Болажоним, тахорат килаётганда бирор дуо хам киладими?

Жавоб: Йўқ дадажон, тахорат килиб бўлгандан кейин дуо килади.

8. Савол: Нима деб дуо килади?

Жавоб: Куйидаги шаходат калимасини



Ислом Нури

айтади:

«Ашхаду алла илаха иллаллох ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росувлух» «Аллохуммажъалний минат-таввабийна важъалний минал-мутатоххирийн».